O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
№

Миллий тиклaниш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2007-yil, 17-yanvar, chorshanba, 2 (385)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Мамлакатимизнинг бош зиё масканида





Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мамлакатимиздаги энг кўҳна зиё масканларидан биридир. Бундан беш йил муқаддам унга Миллий кутубхона мақоми берилди. Зиё маскани захирасида бугунги кунда олти ярим миллионга яқин китоб сақланмоқда.

МУТОЛАА МАЪНАВИЯТНИ ОШИРАДИ

— Биргина ўтган йилнинг ўзида 26 мингдан зиёд китоб сотиб олинди, — дейди кутубхона директори, социология фанлари доктори Абдусалом Умаров. — Бундан ташқари, 3 мингга яқин китоблар Россия давлати томонидан совға қилинди. Кези келганда шуни айтиш керакки, зиё масканимизда Ёшлар ахборот-ресурс маркази ҳам фаолият кўрсатади. Марказ фонди ўттиз мингдан зиёд адабиётларни ўз ичига олган. Захирамизда китоблардан ташқари даврий журнал, газеталар, меъёрий-техник ҳужжатлар, микрофильмлар, микроплёнкалар, ноёб ва бебаҳо нашрлар ҳам мавжуд. Ҳозирги ёшлар жуда билимли ва илмга чанқоқ. Шуни инобатга олиб кутубхонамизга аъзо бўлувчиларни 15 ёшдан деб белгиладик.

Ҳозирда кутубхона 20 дан ортиқ давлатлар билан ҳамкорликда фаолият олиб боряпти. Шунинг натижаси ўлароқ, бу ерда хорижий тиллардаги адабиётларнинг сони 364 мингдан зиёдни ташкил этади. Бундан ташқари, ўқув қўлланмалари, илмий-техник адабиётлар сони икки миллиондан ортиқдир. Шу ўринда ўтган йилнинг ўзида 433668 дан ортиқ фуқаролар кутубхона хизматидан фойдаланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни пайтда зиё масканига аъзо бўлган китобхонлар сони эса ўн беш минг нафардан зиёд. Кутубхона шаҳримиздаги турли олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилади. Мазкур масканда турли мавзуларда кўргазмалар ташкил этилади, давра суҳбатлари, турли соҳа вакиллари билан учрашувлар ўтказиб турилади.

Китобхонлар ўзларига керакли маълумотларни бепул интернет тармоғига уланган компьютерлар орқали ҳам топишлари ҳам мумкин. Зеро, кўп китоб мутолаа қилган кишининг маънавияти ҳамма нарсадан устун туради.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.
Азамат АҲМАД олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ КУТУБХОНАСИ

Бахмал тумани ҳокимлиги ва «Обод» маҳалла Нуронийлар уйи қошида шундай кутубхона ташкил этилди. Ундан Юртбошимизнинг 100 га яқин асарлари, фотосуратлар, газета ва журналлар тахламлари ўрин олган. Шинамгина кутубхона ва ўқув зали мавжуд.

— Ҳар ой биринчи ва охирги ҳафтасининг сешанба куни раҳбарлар, пайшанба куни ижтимоий соҳа ходимлари, шанба куни тадбиркор, ишбилармон, фермер хўжаликлари бошлиқлари иштирокида Президент асарлари ўқувини ташкил этганмиз, — дейди туман ҳокими Маматқул Қаршибоев. — Ўқув иштирокчилари амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ислоҳотлар самараси, миллий истиқлол мафкурасининг Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон ғояларининг нечоғли аҳамиятга молик эканлигини ўзлари ишлаётган корхона, ташкилот, муассаса, хўжаликлар ишчи-хизматчиларининг, қолаверса, маҳалла, мактаб, оилаларга етказишмоқда. Келгусида ана шундай кутубхоналарни ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса, маҳаллаларда очиш ниятимиз бор.

Айни пайтда мингдан зиёд китобхон кутубхонага аъзо бўлишган. Уларнинг кўпчилигини тадбиркор ва фермерлар ташкил этади. Айниқса, Президентимиз фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари чоп этилган газета ва журналларни сўраб келувчилар кўп.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

Биринчи Республика тиббиёт коллежида "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар Чилонзор туман кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Уни партиянинг туман кенгаши раиси И.Буважонов кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни кун тартиби билан таништирди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова, таниқли мусаввир, Ўзбекистон санъат арбоби Ортиқали Қозоқовлар сўзга чиқиб, Президентимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳамда мамлакатимиз раҳбарининг Конституциямизнинг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузалардан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан фикр алмашилди. Маърузада таъкидланганидек, партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли орасида қанча жонлантириб, кенгайтириб борса, халқимиз ва сайловчиларнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча ошиб, уларнинг ислоҳот ва ўзгаришларга таъсири тобора ортиб боради. Шу боис партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши пленумида туман кенгашлари томонидан кенг омма ўртасида ушбу қонун лойиҳалари кенг муҳокамасини ташкил этиш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, туман, шаҳар кенгашлари депутатлари, бошланғич партия ташкилотларини фаоллаштириш зарурлигига, алоҳида эътибор қаратилганди.

Шунингдек, йиғилишда партияга аъзо бўлган коллеж ўқитувчиларига аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Шаҳодат МИРЗААЛИЕВА.

ХОВОСГА ҲАВАС

Яқинда Сирдарё вилоятининг Ховос тумани ташкил этилганлигининг 80 йиллигига бағишланган "Шунчалар гўзалдир бу азиз диёр" номли тадбир бўлиб ўтди.

Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Х. Дўстмуҳамедов, Ф. Ҳотамов иштирок этди.

Тадбирни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Ашурматов очиб, йиғилганларни самимий қутлади.

Шундан кейин вилоят кенгаши депутати А.Турдиқулов ва туман ҳокими С.Назаровлар сўзга чиқиб, ватанга, ўз халқига садоқатли бўлиш ва меҳрини бериш юртнинг гуллаб-яшнашида алоҳида ўринга эгалигини таъкидладилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазоитова ўзининг чиқиши билан йиғилганларни хушнуд этди. Тадбир йиғилганлар кўнглига ажойиб хотираларни муҳрлади.

М. БОЗОРБОЕВ,
ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси.
Ш. ТАНГРИЕВ,
ЎзМТДП Ховос туман кенгаши раиси.

Ташаббус

Партия ҳаёти

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти»нинг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туман кенгаши ташаббуси билан «Ишбилармонлик — давр талаби» мавзуида ўқув-семинар ташкил қилинди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро вилояти Вобкент туман кенгашида «Жамият ҳаётида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалалари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Наманган вилоят кенгашида «Хотин-қизлар» қаноти ташаббуси билан «Фаол аёл — жамият кўзгуси» мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро вилояти Вобкент туман кенгашида партиянинг «Хотин-қизлар қаноти» ташаббуси билан «Хотин-қизлар — мустақиллик йилларида» номли тадбир ўтказилди.

* * *

Жиззах вилояти Дўстлик тиббиёт коллежида партиянинг туман кенгаши ташаббуси билан Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб «Шу азиз Ватан барчамизники» мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши ташаббуси билан «Миллий қадриятлар — боқийлик сари» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туман кенгашида Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори юзасидан йиғилиш ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Навоий вилояти Хатирчи туман кенгашида «Миллий демократик ғоялар — ҳаётимиз пойдевори» мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Сурхондарё вилояти Музработ туман кенгашида Президентимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Хоразм вилояти Урганч шаҳар кенгашида ҳам мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган навбатдан ташқари пленум бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Жиззах вилояти Зомин туман кенгашида «Янги орзулар сари» номли тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Хоразм вилояти Янгибозор туман кенгаши ташаббуси билан «Мен истиқлол фарзандиман» номли тадбир ташкил этилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

Эътироф

Қадимда бир золим подшоҳнинг севимли оти бўлиб, уни еру кўкка ишонмас экан. Кунлардан бир куни подшоҳнинг уюри кечувдан ўтаётганда ҳалиги от дарёга ғарқ бўлибди. Бундан ғазабланган шоҳ дарёдан ўч олмоқчи бўлибди ва бир неча каналлар қаздириб, дарё сувини бошқа ўзанга буриб юборибди. Аммо орадан минг йиллар ўтиб, дарё яна бирлашиб, ўз ўзанида оқа бошлабди.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИГА МУНОСИБ ШАҲАР

Ҳа, оққан дарё оқаверади, деган мақол бежиз айтилмаган. Балки халқ орасида бу ибора дарёни қуритмоқчи бўлган нодон шоҳнинг хатти-ҳаракати ўлароқ дунёга келгандир.

Мустабид тузум даврида миллатимизнинг маърифат уммонини ҳам қуритмоқчи бўлишди. Аммо бунга эриша олмадилар. Эшитганим бор. Чор Россияси саркардалари юртимизга бостириб кирган даврда Тошкентдан оқ пошшога йўлланган бир мактуб қайсидир музейда ҳамон сақланаркан. Унда қуйидаги сўзлар битилган экан: «Биз бу юртга бостириб келганимизда, очиғи уларнинг маданият ва маърифат борасида анча юқорилаб кетганини кўриб, ҳайратдан ёқа ушладик. Энди бўлса бемалол айта оламанки бизнинг «саъй-ҳаракатимиз» ўлароқ бу юрт маданияти юз йил орқага кетди».



Бобом раҳматли бир умр Ҳаж зиёратини орзу қилиб ўтганлар. Тошкентдаги собиқ Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар диний идорасига жуда кўп маротаба қатнаганлар. Охири, бор мол-мулкини сарфлаб, Ҳожи бадал деган мақомга эришган. Ўшанда бобомга Каъбатуллоҳнинг сурати туширилган катта портрет ва ҳожи бўлганликлари ҳақида бир парча расмий қоғоз келтириб беришганда у кишининг йиғлаганларини бир кўрсангиз эди. Бу кўз ёшларнинг маънисини энди тушунгандек бўламан. Энди билсам, ўшанда бобом мустабид тузум жабридан, хўрликдан, ипсиз боғланганликдан йиғлаган экан.

Ниҳоят, истиқлол қуёши порлади. Дарё яна оқа бошлади. Оққанда ҳам шундай оқдики, унга яна тўғон қўйиб тўсмоқчи бўлганларни ўзи билан бирга оқизиб кетди. Яқинда матбуотда эълон қилинган яна бир хабардан дилимиз беҳад қувончга тўлди. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти 2007 йилда Тошкентни Ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилди. Юртимизда ислом маданияти ва илми, ислом мероси ва ёдгорликларини асраш ва янада бойитиш борасида олиб борилаётган ишлар учун пойтахтимиз шундай юксак ва фахрли номга сазовор деб топилди.

Бу юртда ислом оламида ўзининг муносиб ўрнига эга ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий вояга етган. Бу юртни ислом дининнинг қуввати деб тан олишган. Бу заминга бундай унвонларнинг кўпи ярашади. Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган Тошкент Ислом университети фаолият кўрсата бошлаганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо бу қисқа вақт мобайнида МДҲ ҳудудидаги ягона бу олий ўқув юртида жуда кўплаб дин ва сиёсат, бағрикенглик ҳамда дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг долзарб мавзуларига бағишланган халқаро конференциялар, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Юртимизга ташриф буюрган ҳар қандай нуфузли меҳмонлар сафларининг аввалини бу масканни зиёрат қилишдан бошлайдилар.

Жаҳондаги юзлаб шаҳарлар орасидан айнан Тошкент 2007 йилда Ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти деб танланди. Ислом конференцияси ташкилоти (ОИК) таркибидаги муассасалардан бири — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро Ислом ташкилоти биринчи галда республика раҳбариятининг ўзбек халқи маданий ва маънавий қадриятларини қайта тиклашга йўналтирилган сиёсати, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати томонидан ислом цивилизацияси ёдгорликларини ҳимоя қилиш ва кўз қорачиғидек асраш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратишган.

Зеро, бу юртдан Ислом олами номларини ҳурмату эҳтиром билан тилга оладиган, эъзозу икром билан эслайдиган алломалар етишиб чиққан. Улар ёққан илм машъаллари эса асрлар оша нафақат бизнинг, балки бутун башариятнинг шуурини ёритмоғи шубҳасиздир.

Муҳаммад СИДДИҚ.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

МЕҲР РИШТАЛАРИ УЗИЛМАСИН

Эзгулик кўнгил мулкидир. Яхшилик одамларга меҳр-оқибатли бўлишдан бошланади. Бир-бирига меҳрли одамларнинг иши ҳамиша барокатли бўлади. Донолар айтганидек: "Савобнинг энг каттаси хайру саховатдан келади".

Жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб номланиши бошқалар қатори вилоят партия ташкилотлари, партия аъзолари зиммасига ҳам катта масъулият юклади. Яқинда шу ва бошқа бир қатор масалалар юзасидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилоят кенгашида партиядан сайланган депутатлар гуруҳининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Унда кам таъминланган оилалар, муҳтожларни ижтимоий ҳимоя қилиш муҳимлиги ҳақида сўз борди. Бундан ташқари, 2007 йилда амалга ошириладиган ишлар, оммавий-сиёсий, маданий-маърифий соҳада ўтказиладиган тадбирлар юзасидан зарур чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Вилоят партия кенгаши фаоллари Норин тумани ва Наманган шаҳрида яшовчи 200 нафар ногирон, боқувчисини йўқотган кишиларнинг аҳволидан хабар олишди. Уларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Вилоят партия кенгаши ва депутатлар гуруҳи вакиллари томонидан кам таъминланган, камҳарж оилаларнинг 1000 нафардан ортиқ фарзандларига байрам совғалари улашилди. Бу хайрия тадбирлари йил давомида қилиниши зарур бўлган ишларнинг дебочасидир, дейишмоқда фаолларимиз.

С. ПАХРИТДИНОВА,
ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши мутахассиси.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдидан

УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ БЕШИГИ

Бу улуғ шаҳар узоқ йиллар мобайнида бир неча ҳукмрон сулолаларга пойтахтлик қилган. Самарқандда тахтга ўтирган ҳукмдорлар ўз иқтидорлари даражасида бу шаҳарни обод қилганлар, гуллатиб-яшнатганлар ёки аксинча ҳеч нарса қурмасдан бу дунёни тарк этганлар. Жаҳон тарихчиларининг яқдиллик билан тан олишларича, Самарқанд соҳибқирон Амир Темур салтанатининг пойтахти бўлган даврда "ер юзи сайқали", жаҳон маданиятининг марказига айланган. Самарқанднинг Турондаги бошқа шаҳарлардан фарқ қилувчи бир жиҳати шаҳарнинг икки ўринга эгалигидир. Қадимги Самарқанд шаҳарнинг дастлабки ўрни то мўғуллар босқинига қадар ҳозирда Афросиёб харобалари деган ном билан машҳур тепаликда бўлган. Мўғуллар 1220 йили Афросиёбни шу даражада вайрон қилдиларки, уни қайта тиклашнинг иложи бўлмади. Бир пайтлар гуллаб-яшнаган Афросиёб — Самарқанд абадий вайронага айланди.

Соҳибқирон Амир Темур Самарқандни мўғуллардан озод қилгач, 1370 йилдан бошлаб янги Самарқандга, яъни темурийлар Самарқандига асос солди. Амир Темур Самарқандни ўз давлатининг пойтахти сифатида танлагач, уни ер юзининг сайқалига айлантиришни ният қилди. У иқтидорли лашкарбоши, давлат арбоби бўлиши билан бирга моҳир меъмор ҳам эди. Соҳибқирон меъморчиликнинг энг нозик жиҳатларини яхши билар, меъморлар билан баҳслашар, лойиҳага ўзгартиришлар киритар, мукаммал бўлгач эса қурилишига фармон берарди.

Мўғуллар Самарқандни истило қилганларидан сўнг шаҳар атрофидаги барча мудофаа деворларини текислаб ташлагандилар. Самарқанд шаҳри то Амир Темур тахтга чиққунича дарвоза-ю, деворсиз ҳувиллаб ётди. Балхда бўлиб ўтган қурултойдан сўнг Мовароуннаҳр ҳукмдори қилиб сайланган Амир Темур Самарқандга келиб, янги Самарқандга асос солди. Дастлаб бунёд қилиниши лозим бўлган шаҳар атрофи баланд мудофаа деворлари билан ўраб олинди. Новадон ариғининг чап қирғоғида шаҳар Арки бунёд қилинди, унинг атрофи ҳам баланд мудофаа девори билан қуршалди. Аркнинг ичига Кўксарой ва Бўстонсарой номли ҳашаматли саройлар, ҳаммомлар ва бошқа бинолар ҳам қурилди. Арк ичидаги тўрт қаватли Кўксаройда Амир Темурнинг бой кутубхонаси, хазинаси ва тожу тахти сақланарди. Аркнинг шарқий томонида жойлашган шаҳар олтита дарвозага эга бўлиб, ҳар бир дарвозадан бошланган кенг ва равон йўллар шаҳар марказидаги катта майдонда бир-бири билан туташарди. Кўчаларнинг ёқасида ҳунармандларнинг устахоналари, савдогарларнинг дўконлари жойлашган бўлиб, бу ерда кеча-ю кундуз савдо-сотиқ қайнарди.

Соҳибқирон бобомиз ғамхўр ва иқтидорли давлат арбоби бўлгани учун шаҳар ичидаги ободончиликка мос равишда Самарқанд шаҳри атрофида ҳам улкан бунёдкорлик ишларини олиб боришга бошқош бўлди. Шаҳар атрофида бири-биридан гўзал, баҳаво ва хушманзара 12 та боғ-саройлар бунёд қилинди. Самарқанд ер юзидаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айланди. Шарқ ва



Ғарбдан келган сайёҳлар, элчилар, савдогарлар шаҳарнинг гўзаллигидан ҳайратга тушдилар, унинг таърифини олис ўлкаларга олиб кетдилар. Амир Темур сарой аъёнлари билан Самарқанд атрофини айланиб чиқиб, бир неча жойларга Миср, Дамашқ, Султония, Шероз, Бағдод каби номларни берди. Бу тадбири билан соҳибқирон Шарқнинг энг гўзал ва улуғвор шаҳарлари Самарқанднинг олдида кичик бир қишлоқларга ўхшаб қолди, деган фикрни берган бўлса ажабмас. Кўпчилик олимларнинг яқдиллик билан тан олишларича, Амир Темур ҳукмронлиги даврида буюк Туронда, инсоният ҳаётидаги энг нодир жараён — ренессанс юз берди. Туронда юз берган аввалги ренессансларда санъат ва маданият, фаннинг айрим соҳалари ўта ривожланиб, баъзи соҳаларида ўсиш бўлмаганлиги кузатилган. Темурийлар даврига келиб эса санъат ва маданиятнинг барча соҳалари биргаликда ривожланди. Темур ва Темурийлар даврида энг моҳир меъморлар, усталар пойтахтларда ҳукмдорларнинг талаблари, дидларига, давлатнинг шон-шуҳратига мос биноларни қурардилар.

Антик, илк ўрта ва ўрта асрларда Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Хива ва Урганчда юксак чўққиларга кўтарилган шаҳарсозлик, меъморчилик Амир Темур даврида қайта тикланиб, унга янги қирралар, жило ва улуғворлик берилди. XIV асрда Турон меъморчилигига киритилган катта бир янгилик мовий рангни кенг миқёсда қўлланишидир. Бу ҳақда франциялик темуршунос олима Фредирик Брессанд хоним: "Амир Темур туркий ҳукмдор бўлганлигидан барча туркий халқлар учун муқаддас бўлган кўк рангга ихлос қиларди. Шу сабабли у кўк, мовий рангни меъморчиликка кенг миқёсда жорий қилди", — деб ёзганди. Олиманинг бу фикрида жон бор, албатта. Меъморчилик обидалари ҳар бир давлатнинг куч-қудратини ўзида акс эттирувчи ойнага ўхшайди. Амир Темур давридаги меъморчилик обидалари ўзининг улуғворлиги, кенг кўламлилиги билан яққол ажралиб туради.

Олти аср мобайнида унутилган деворий рангтасвир санъати Амир Темур даврига келиб қайта жонланди ва янада янги руҳ, жило билан ривожланди. Тарихчиларнинг ёзишича, Амир Темурнинг ташаббуси билан қурилган саройлар ва кўшкларнинг деворлари нафис рангтасвирлар билан безалди. Бу суратларда ўша давр мусаввирлари Амир Темурнинг Ҳиндистон, Эрон ва Дашти Қипчоқда олиб борган жангларига бағишланган мавзуларни, соҳибқиронниг элчилар, олимлар, ҳукмдорлар билан қилган суҳбатлари, сайллари ва базмларини акс эттирганлар. Саройларнинг деворларига соҳибқирон, малакалар ва жасур лашкарбошиларнинг суратлари ҳам ишланган.

Бундан ташқари, Самарқандда Амир Темур даврида манзарали рангтасвир ҳам ривожланди. Унинг фармони билан қурилган Ширинбека оға, Туманбека оға ва Бибихоним мақбараларининг деворлари ранг-баранг манзарали рангтасвир билан безалган. Дарахтлар, буталар, гуллар, ўсимликлар олтин ва мовий бўёқларда акс эттирилган. Ўша даврда Самарқандда тўқимачилик ва газлама яратиш ҳам юксак чўққига кўтарилди. Самарқандлик моҳир газламачилар яратган нафис, ранг-баранг, пишиқ матолар дунёнинг турли бурчакларидан келган савдогарлар учун ноёб мол ҳисобланарди. Ипакдан тўқилган чойшаблар, ёстиқлар, атлас ва олтин қўшиб тўқилган парчалар кўпгина ҳукмдорлар, вазирлар, бой-бадавлат кишилар учун энг қимматли мато ҳисобланган.

Амир Темур даврида бошлаб Самарқанд, Бухоро ва Ҳиротда алоҳида миниатюра мактаблари пайдо бўлиб, шакллана борди. Самарқандда ўз даврининг моҳир миниатюрачи мусаввирлари Абдулҳай ва унинг шогирди Пир Аҳмад Боғи Шамолийлар яшаб, ижод қилганлар. Айрим фикрларга кўра, Бағдодда Амир Темурнинг набираси Искандар Султон саройида хизмат қилган машҳур миниатюрачи мусаввир Жунайд Султоний ҳам Самарқанддан борган. Унинг ижоди Бағдод миниатюра мактабининг ривожига катта туртки бўлган.

Илму фан ва маданиятнинг ривожида сифатли қоғознинг аҳамияти катта, албатта. Самарқанд VIII асрдан бошлаб ўз қоғозлари билан машҳур бўлгани тарихдан яхши маълум. Шуниси аҳамиятлики, Амир Темур даврига келиб Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш янада ривожланди. ўзининг нафислиги ва сифати билан барчага манзур бўлган Самарқанд қоғозларини Шарқ ва Ғарбдан келган савдогарлар катта миқдорда сотиб олишарди. Бу ҳақда Мирзо Бобур "Оламда яхши қоғоз Самарқанддан чиқар", — деб ёзгани ҳам буни исботлаб турибди.

Ҳаттотлик санъатининг юксак даражада ривожланганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли. Ўз даврининг моҳир ҳаттотлари Амир Темур ва бошқа темурий шаҳзодаларнинг шахсий кутубхоналари учун Қуръони карим, ҳадислар ва бошқа диний асарларни, Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си, Низомийнинг "Хамса"сини ҳамда Шарқнинг бошқа нодир асарларини алоҳида меҳр-муҳаббат билан ёзиб чиққанлар. Бу асарлар ёзилган қоғознинг четлари олтин суви ҳамда ҳаворанг бўёқлар билан безатилган. Тайёр бўлган қўлёзмаларни муқоваловчилар, яъни лаввоҳлар олтин сувида ўймакор нақшлар билан зийнатлаган, чарм ва картон муқовалар билан қоплаганлар. Бизнинг давримизгача сақланиб қолган бундай асарларнинг кўпчилиги бугунги кунда жаҳон кутубхоналарининг энг бебаҳо бойлиги ҳисобланади.

Бир неча минг йиллик анъаналарга эга бўлган Самарқанд кулолчилик санъати Амир Темур даврига келиб янги поғоналарга кўтарилди. Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўлига соҳибқирон томонидан катта ғамхўрлик қилиниши Самарқанд ҳунармандларининг халқаро маданий алоқаларини янада кучайтирди. Улар хитой чинниларининг таъсирида чиннисимон сополлар кашф эдилар. Ўз жаранги ва нафислиги билан машҳур хитой чинниларидан қолишмайдиган бу сопол идишларга кўпинча мовий бўёқлар билан қушлар, гуллар ва оҳуларнинг тасвирлари чизиларди.

Санъатнинг кўпгина соҳаларида довруқ таратган самарқандлик усталар қандакорлик ва металлга ишлов бериш санъатида ҳам моҳирлик қилдилар. Тарихий манбаларда айтилишича, Самарқанддаги Амир Темур жомеъ масжидининг дарвозаси 7 хил металл қоришмасидан қуйилган ва сиртига ажойиб нақшлар чизилган. Бу ажойиб санъат асарини Эрон шоҳи Нодиршоҳ Эронга олиб кетиб, яна жойига келтириб қўйган эди. Аммо XVIII асрга келиб дарвоза эритилиб, ундан тангалар ясашди. Афсуслар бўлсинки, заргарона моҳирлик билан олтин, кумуш ҳамда бир неча хил металларнинг қоришмасидан яратилган бетакрор санъат асарларининг кўпчилиги ҳозиргача сақланиб қолмаган. Тўғрироғи, бошқа давлатларга олиб кетилган ёки эритиб турли хил буюмлар ясалган.

Бу қадимий шаҳарга ташриф буюрган испан сайёҳи Клавихо Амир Темур Конигилда уюштирган сайлларда қатнашар экан, ўз кундаликларида соҳибқирон учун бу жойда тикланган чодирларнинг нозик дид билан безатилганини ёзади. Курсилар, хонтахталар, коса, пиёла, кўза ва чойдишлар ҳам ўзига хослиги билан ажралиб турган, Амир Темурнинг ўзи ва лашкарлари учун ясалган қуролярроғлар, безаклар ҳам кўрганларни ҳайратда қолдирган.

Нақкошлик, ёғоч ўймакорлиги ва тоштарошлик санъатлари Самарқандда бунёд этилган мадрасалар, саройлар, масжид ва мақбараларнинг ўзига хослигида ҳам намоён бўлади. Ўша даврнинг усталари оддий ёғочларга жон киритишган гўё. Ҳозиргача санъатнинг ноёб дурдоналари ҳисобланган нақшинкор эшикларнинг айримлари Англия, Россия ва кўҳна Самарқанднинг ўзида сақланиб турибди. Мармар, гранит ва оҳактошдан ишланган тоштарошлик намуналари Амир Темур фармони билан бунёд қилинган обидалар ва қабртошларда сақланиб қолган.

Соҳибқирон Амир Темур фаолиятига баҳо берилганида кўпроқ унинг саркардалик салоҳиятига урғу берилади. Буни инкор этмаган ҳолда бу улуғ зот камдан-кам ҳукмдорларга насиб этадиган ренессанс — уйғониш жараёнини юзага чиқарганлигини таъкидлаш ўринлидир. Самарқандда порлаган илм-фан ва маданият маёғи Эрон, Хуросон, Туркия ва Ҳиндистон каби давлатларда маданий ҳаётнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Темурийлар тарих саҳнасидаги ўз ўринларини бошқа сулолаларга бўшатиб берганларидан сўнг ҳам Амир Темур ёқиб кетган уйғониш машъаласи ўчмади. Келгуси авлодлар ҳам бу ёруғ йўлдан бориб илму фан ривожи учун дадил одимлар ташладилар. Шу боисдан ҳам ҳақли равишда Самарқандни уйғониш даврининг бешиги десак, муболаға бўлмайди.

Амриддин БЕРДИМУРОДОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг етакчи илмий ходими.

Ватан ҳимоячилари ҳаётидан

ҚАНОАТ ҚАТИДА УНГАН БАХТ

Бир ривоятда эшитганим бор. Бир киши не машаққатлар билан уйига ҳар куни тоғдан ўтин келтираркан. Аммо унинг хотини ўтинни сира тежамас, қўшни аёлларга тарқатиб кечгача тамом қилар, шўрлик эр ўтин териш осон иш эмаслигини аёлига сира тушунтира олмас экан. Хуноби ошган эр эртасига ўтин теришга хотинини ҳам бирга олиб борибди. Ўша куни кечга яқин эр-хотин елкаларида ўтин билан аранг уйга етиб келишибди. Шунда девордан қўшни аёл мўралаб, ўтин беришини илтимос қилибди. Ўтинчининг хотини: «Ҳо, ўтин териш осон эканми?! Энди ҳеч кимга ўтин бермайман», — деган экан.

Қиссадан ҳисса шуки, аёл турмуш икир-чикирларидан ортиб, эри билан елкама-елка туриб, ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишга уринса қандай соз.

Инсоннинг ҳаёти қизиқ. Худди йил фасллари бирин-кетин алмашиниб келгани каби умримиз фасллари ҳам навбат билан ўтиб бораверади. Болаликнинг беғубор хаёллари ёшлик йилларига келиб жиддийликка алмашади. Кейинги йиллар ана шу икки фаслда қурилган пойдеворнинг қанчалар мустаҳкамлигига, умид билан экилган ниҳолга берилган парваришга монанд «экканингни ўрасан» қабилида ўтади. Бу оддийгина ҳаёт ҳақиқати. Инсон болаликда нимани орзу қилса, албатта, бир куни етишаркан. Сурхондарёнинг Шеробод туманида вояга етган Ўлмасхон ёшлигидан ҳарбий бўлишни жуда орзу қилди. Кўча-кўйда ҳарбий либосдаги аёлларни кўрса,

бир куни, албатта, мен ҳам ҳарбий бўламан, дер эди. Аммо ҳар доим ҳам одамнинг хоҳлагани бўлавермайди. Ўлмасхон ота-онасининг хоҳиши билан ҳамшира бўлди. Болаликдаги орзуларим саробга айланди деб юрган кезларда ҳаёт унга Парда акани рўбаро қилди. Тақдир ришталари бир-бирига азалдан боғланган экан, улар тез орада турмуш қуришди.

Бир куни Ўлмасхон Парда акага ҳарбий бўлиш бир умрлик орзуси эканини айтди. Аввалига турмуш ўртоғи унга ҳарбийлик осон касб эмаслигини тушунтирди. Ўлмасхон бўлса, бу йўлда ҳар қандай машаққатни енгиб ўтишга тайёр эканлигини айтди. Турмуш ўртоғи ҳам аёлини тўғри тушунди. Ўлмасхон даставвал ҳарбий қисмларда хотин-қизлар қўмитаси раисаси, кутубхоначи вазифаларида ишлади. Қаерда, қандай вазифада ишламасин, барчасини сидқидилдан адо этишга интилди. Турмуш ўртоғи барча ишларида унга қанот бўлди.

Парда ака табиатан оғирвазмин, мулоҳазали инсон. Ҳар бир ишда етти ўлчаб, бир кес, деган нақлга амал қилади. Масъулиятли ва виждонли бўлгани учун хизматда ҳам, оилада ҳам барча муаммоларни бафуржа ҳал қилишга интилади. Унинг ўз касбига меҳру садоқатини ҳукуматимиз муносиб тақдирлади. Жанубий-ҳарбий махсус ҳарбий округига қарашли қисмлардан бирида масъулиятли вазифада ишлаётган офицер Парда Хўжамуродов сарҳадларимизнинг дахлсизлигини, юртимиз осойишталигини кўз қорачиғидек асраётганлиги ва фидокорона хизматлари учун «Жасорат» медали билан тақдирланди.

— Фарзандларингизнинг ҳам ҳарбий бўлишларини истармидингиз? — сўраймиз Парда ака билан Ўлмасхондан.

— Албатта. Лекин ўғилларимиз кўпроқ муҳандисликка қизиқишади. Қизалоғимиз ҳали ёш. Аксарият фарзандлар ота-оналарининг касбини танлашади. Агар бизнинг фарзандларимиз ҳам шундай йўл тутганларида биз ғурурланган бўлардик, — дейишди улар.

Ҳарбийнинг аёли бўлиш анчайин машаққатли. Ана шу машаққатни енгиб келаётган мард аёлларимиз қиёфасини Ўлмасхон сиймосида ҳам кўрдик. Ҳарбийларнинг ҳаёти сабр-бардош, жасорат ва матонат эвазига қурилади. Унинг оиласига ҳам бу хислатлар эшдир. Сув келса симириш, тош келса кемириш, деган иборани ҳам уларга нисбатан ишлатиш мумкин.

— Хўжамуродлар оиласи қисмимизнинг кўзгусига айланган. Бу инсонларни ҳақли равишда ўз касбининг фидойилари деб атасак янглишмаймиз, — дейди офицер Баҳодир Азимов.

Қаноат қатида унган бахтнинг таъми ғоятда тотлидир. Парда ака ва Ўлмасхон Ватанга хизмат қилаётганликларидан мамнун эканликларини билдиришганида ана шу гап кўнглимиздан ўтди. Бу бахтнинг қадри ҳам доим баланд бўлади.

Муҳаммаджон РАҲМАТОВ.

Партиямиз фаоллари

Деҳқонобод туманидаги Галабулоқ қишлоғидагилар Чориевлар оиласини каштачилар оиласи дейишади. Дилафрўз ҳам шу оиланинг фарзанди. У эндигина 19 ёшга қадам қўйган бўлса-да, ҳунармандчилик соҳасида анчагина тажрибага эга. Айниқса, каштачилик, зардўзликка меҳр қўйган Дилафрўз, бугун гиламчиликда ҳам ўзини синаб кўряпти.

ИСТЕЪДОДЛИ ҚИЗ

— Дилафрўз ёшлигидан ҳамма нарсага қизиқувчан, ўзига нисбатан талабчан бўлиб ўсди. Янгасидан аввал каштачилик, кейин зардўзлик сирларини ўрганди, бугун гилам тўқиш ишларини ҳам йўлга қўйди. Айниқса, Чироқчи туманида ўтказилган «Бахшили эл — яхшили эл» кўрик-танловидан кейин «Ўзбектелефильм» ижодкорлари маҳсулотларимиз билан қизиқиб, ҳужжатли фильм учун иш жараёнимизни суратга олиб кетишди. Буларнинг барчаси қизимизнинг ютуғи, — дейди Дилафрўзнинг онаси қувонч билан.

Дилафрўз ўтган йили Қарши давлат университети қошидаги лицейни тугатиб, педагогика коллежига ўқишга кирди. Лекин таълим олиш даврида ҳам қўлидан бир зум игнани қўйгани йўқ. Интилганга толе ёр, дейдилар. Меҳнатлари самараси ўлароқ, «Ташаббус-2006» кўрик-танловининг туман босқичида 1-ўринни эгаллаб, вилоят босқичида «Менинг юртим — менинг ифтихорим» номинацияси бўйича диплом билан тақдирланди. Ўтган Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳамда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Юртим жамоли» кўргазмасида ёш ҳунарманд сифатида қатнашиб, 1-ўринни эгаллади ва 17-22 июль кунлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган «Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш» мавзуидаги ўқув-семинарда ўзи тузган бизнес лойиҳаси билан ўқув-семинарининг 3-босқичига ҳам йўлланмани қўлга киритди. Қувонарлиси, ўтган йили партиямиз аъзоси Дилафрўз Чориева «Мустақилликнинг 15 йиллиги» нишони билан тақдирланди.

Бу қиздаги ғайратга ҳавас қилса арзийди. Ҳунармандчилик, тадбиркорлик, ўқиш билан бирга мактабда болаларга ҳам сабоқ беради. Шеърлар ёзади. Яқинда «Қалбим сурати» номли шеърий тўплами нашрдан чиқди. Китобни кўздан кечирарканман, Дилафрўзнинг дурустгина қалами борлигига амин бўлдим. «Шунча ишга қандай улгурасиз?», — деган саволимга у оддийгина қилиб: «Бунинг учун одамда хоҳиш ва ўзига ишонч бўлса, кифоя», — деб жавоб қилди.

Дилафрўзнинг фаолияти, иш жараёни, ижоди билан танишиб чиққач, бу қиз каби ёшларимиз бор экан, юртимизнинг келажаги порлоқ бўлмоғига чин дилдан ишондим.

Нуржаҳон ПИРНАЗАРОВА,
ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши аъзоси.

Ислоҳот ва самара

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш асосий мақсад қилиб белгиланди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз томонидан белгилаб берилган бозор муносабатларига ўтишнинг бешта тамойили асосида эркин бозор иқтисодиёти барпо этилмоқда. Улардан бири давлатнинг бош ислоҳотчи эканлигини белгиловчи тамойил ҳисобланади.

Республикада ўтган вақт мобайнида юз берган кенг кўламли ўзгаришлар иқтисодий муносабатларга мос янги давлат бошқаруви тизими яратишни тақозо этди. Кўпгина соҳалар бўйича давлат бошқаруви тизимини замонавийлаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи қонунлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти маъмурий аппарат ишининг нечоғли самарадорлигига боғлиқдир. Маълумки, янги ахборотлар асрида бюрократик тизим ривожланишга тўсқинлик қилади ҳамда давлатнинг бозор ислоҳотлари, ижтимоий вазифаларни бажаришга доир саъй-ҳаракатларига халақит беради. Бундай ҳолатлар рўй бермаслиги учун давлат маъмурий тизимни ислоҳ қилиши ҳамда уни замон талабларига мослаштириши лозим. Жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш ва барча даражадаги бошқарув органлари фаолиятини жиддий танқидий таҳлил қилиш асосида ҳукуматимиз томонидан маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича асосий ёндашувлар ва йўналишлар ишлаб чиқилди. Давлат сиёсатини шакллантириш масалалари вазирликлар ва давлат қўмиталарида жамланди, уларнинг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш агентлик, қўмита, инспекция каби давлат бошқаруви органлари зиммасига юклатилди.

Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектлари иқтисодий эркинлигини таъминлаш ва уларга кенг ҳуқуқий кафолатлар беришга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, хўжалик субъектларида текширишларни тартибга солиш ва назорат органлари сонини мунтазам қисқартириш бўйича доимий равишда иш олиб борилмоқда. Жумладан, хўжалик субъектларининг давлат назорат органлари томонидан текширилиши бир неча баробарга камайди.

Президентимизнинг 2003 йил 9 декабрдаги "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ҳамда 2003 йил 22 декабрдаги "Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонлари республикамизда маъмурий ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Давлат бошқаруви органларидан бозор иқтисодиётини бошқариш тамойилларига зид келадиган вазифалар олиб ташланди. Бошқарув аппарати сони ва унинг таъминоти харажатларининг қисқариши маъмурий ислоҳотнинг амалий натижаси бўлди.

Юртимизда давлат иқтисодиётини хусусийлаштириш дастури ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида бошланганди. У улгуржи ҳамда чакана савдо, моддий-техник таъминот, умумий овқатланиш, маиший хизмат соҳаси, шунингдек, маҳаллий аҳамиятга эга саноат корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларни тақсимлаш ҳамда алмашиш билан боғлиқ бутун секторни қамраб олди. Шундан сўнг ҳар йили тасдиқланадиган хусусийлаштириш дастури истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича кўплаб электротехника, мебель корхоналари, фармацевтика саноати, умумий машинасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кўплаб йўловчи ва юк ташувчи автомобиль турларининг деярли бутун секторини хусусийлаштириш имконини берди.

XXI аср бошига келиб Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ўртасида биринчи бўлиб иқтисодий таназзулни енгиб ўта олди ва биринчи бўлиб 1997 йил саноат ишлаб чиқариши бўйича, 2001 йилда эса ялпи ички маҳсулот бораси ислоҳотгача бўлган даражага етиб олди. Айни пайтда бозор иқтисодиётининг қонунчилик ва институциявий асослари яратилган бўлиб, у хусусий мулкчилик кенг ривожланган ҳолатда барча мулк шакллари тенглиги, янги банк тизимини шакллантириш, товар, молия бозорларини эркинлаштириш, шунингдек, бозор жараёнларини амалга оширишга қаратилган янги давлат институтларини таъсис этиш каби базавий асосларни яратишни ўз ичига олади.

2003 йил охирида жорий операциялар ҳисоби бўйича миллий валютани эркин конвертациялашга ўтиш иқтисодий ислоҳотларда туб бурилиш ясади. Шу билан бирга, жамият ҳаётини ҳар томонлама эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар инсон, жамият ва давлатнинг манфаатлари йўлида хизмат қилиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Д. НАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар Миробод тумани прокуратураси терговчиси.

Эҳтиром

Янги йил арафасида севимли шоиримиз Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг етмиш йиллик тўйи тантаналарига бағишланган кўрсатувда Манфаат опа Жамолдиновани ҳам кўрсатиб қолишди. Қувониб кетдим. Ўтган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида унинг хайрли ишлари хусусида мақола ёзишни ният қилгандим.

ЎЗИМИЗНИНГ МАНФААТ ОПА

Опа билан ишлаган йилларимизда жуда кўп ибратли воқеаларнинг гувоҳи бўлганман. Падари бузрукворим оламдан ўтиб, кўнглим ярим бўлиб юрган пайтлар эди. Боғимиздаги ўзи эккан гилоснинг гуллари чаман-чаман очилган шохини қўлларида тутиб турган суратини иш столимга қўйган эдим. Самимий нигоҳлари, оппоқ соқоллари ўзига ярашиб турарди.

Газетамизнинг янги раҳбарларидан бири хонамга кириб, ҳамма жойга бир-бир кўз ташлаб чиқди, топшириқлар, маслаҳатлар берди.

— Бу оқсоқол отангиз бўлса керак-а? — деди у расмга ишора қилиб.

— Ҳа, отам раҳматлининг ўлимидан бир ой аввал тушган расмлари.

— Ота-онани ҳурматлаганимиз яхши, укажон, аммо бундай суратларни ишхонага эмас, уйга қўйган маъқул. Кабинетингизга ҳар хил одам кириши бор.

Бу таклиф оҳангидаги буйруқ эди. Бошимдан совуқ сув қуйгандек бўлди. Отангиз борми ўзи, деб юборишдан аранг ўзимни тийиб қолдим. У хонадан чиқиб кетгач, дам ўтмай Манфаат опа кириб келди. У ўз опамдек бўлиб қолган, гоҳида маслаҳатларини берарди. Гапирганда ҳам гўзал одоб билан сўзлаб, руҳимни кўтарарди.

— Шу суратни ҳар кўрганимда адамлар ёдимга тушиб кетади, — деди отамнинг расмидан кўзларини узмай. — Шу расмдан яна бўлса эсдалик учун беринг.

Кўнглим тоғдек кўтарилиб, Манфаат опага ҳурматим, меҳрим янада ортиб кетди. Худди шу суратдан бир донасини опага бердим. Манфаат опа ҳам уни столи устидаги ойна тагига жойлаб қўйди.

Падари бузрукворини, волидаи муҳтарамасини тириклигида ҳам, оламдан ўтиб кетганидан кейин ҳам эъзозлашни Манфаат опадан ўрганса арзийди. Унинг хайрли амаллари исми-жисмига жуда-жуда мос. Одамларга фақат манфаат келтириб юради. Муқаддас Қуръони каримда ота-она ризолигини олиш, қариндош-уруғчилик ришталарини маҳкам тутиш, мўмин-мусулмонларга меҳр-оқибатли, инфоқ-эҳсонли бўлиш буюрилган. Манфаат опа ҳаёти давомида шу ҳикматга амал қилиб асло кам бўлмади. Меҳрибонлик, ростгўйлик, сахийлик, хушмуомалалик каби хислатлари унга зийнат бағишлаб туради.

Ҳаёт пасту баландликлардан иборат. Мусибат келган дамларда сабр қила билиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Аслида сабр — инсонни бахтга элтувчи энг яқин йўл. Волидаи муҳтарамасидан жуда ёш айрилган, армонли дамларда укажонларини онадек оқ ювиб, оқ тараган ҳам опанинг ўзи. Отадан айрилган чоғлардаги ғам-аламларга бардош бериб, жигаргўшаларига елка тутиш ҳам унинг зиммасига тушди. Бундай оғир юкни кўтаришга опа бардош берди.

Асли-наслида муруввати бор инсонларгина бошқаларга ҳам ўз жигаридек меҳр-шафқат кўрсатишнинг уддасидан чиқади. Таниқли адиб, устозимиз Мақсуд Қориевдан Манфаат опанинг оналари жуда самимий, меҳмондўст, оталари, ёзувчи Алп Жамол эса саховатли, зурриёти тоза инсон бўлганини кўп бора эшитганман. Бирга ишлаган йиллари англаб етдимки, Манфаат опа шундай насабга муносиб аёл. Маънавий ва моддий, хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга беминнат ёрдам қўлини чўзиб, қилган яхшилигидан завқланади. Опанинг саховатлари ҳақида ёзсак, газета саҳифалари тўлади.

Унинг тез-тез такрорлаб турадиган бир гапи бор: «Шундай имконлар бергани учун Аллоҳга шукр!»

Ҳозир Манфаат опа меҳнатлари роҳатини кўриб, умргузаронлик қилаётир. Дўстлари, азиз укалари-ю фарзандлари уни худди бошида кўтариб юргандай эъзозлашади. Набираларини бағрига босиб, бахтиёрлик гаштини сураётир. Бундан ортиқ бахт борми она учун!

Одамларга яхшилик қўлини чўзиб юраверинг, Манфаат опа!

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.

ҚИЗЛАРГА МОС ҲУНАР

Касаначиликка кенг йўл очилгани хусусий тадбиркор Муаззам Бурҳонованинг орзулари амалга ошишига ҳам ёрдам берди. Зангиота туманидаги Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи бу қўли гул аёл бугунги кунда хонадонида маҳалладаги қиз-жувонларни йиғиб, каштачилик ва зардўзлик сирларини ўргатиб келмоқда.

— Қизларимиз ўзларига мос ҳунарни топиб, ўрганаётганларидан хурсанд бўлиб, устоз деб ҳурмат қилишганида бошлаган ишимиз хайрли эканидан ўзим ҳам севинаман, — дейди Муаззам опа.

Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз

«Камол – Асқар»нинг саховати

Бугун деярли ҳар бир маҳаллада ишлаб чиқаришнинг қайсидир тури билан шуғулланаётган оилалар бор. Масалан, ҳунармандлар, касаначилик билан шуғулланаётганлар шулар жумласидандир. Уларнинг меҳнати қонун билан ҳимояланган.

Якка тартибдаги тадбиркор Асқар Камолов резина оёқ кийимлари ишлаб чиқариш цехида Эрондан келтирилаётган тайёр оёқ кийимларидан хомашё сифатида фойдаланмоқда. Самарқанд туманидаги "Камол-Асқар" хусусий ишлаб чиқариш корхонасида бўлсангиз турли бичимдаги, ранг-баранг оёқ кийимларнинг янгилигича майдалаш цехига ўтказилаётганига гувоҳ бўласиз. Бунинг сабабини "Ташаббус-2006" кўрик танлови туман босқичи ғолиби Асқар Камолов қуйидагича изоҳлайди:

— Илгари биз, сифатидан қатъий назар, қандай кийимбош келтирилса, ўшани ҳарид қилишга мажбур бўлганмиз. Маҳаллий ишлаб чиқариш бўлмагач, бошқа чора ҳам йўқ эди. Энди танлаш имконияти туғилди. Сабаби, ўзимизда ишлаб чиқариш кенгайиб бормоқда. Шу боис четдан келтирилган ва бозори чаққон бўлган кўплаб тайёр маҳсулотлар савдоси сина бошлади. Жумладан, йилнинг тўрт фаслида ҳам асқотадиган калиш, этик сингари резина оёқ кийимлари ҳам омборларда ғарамланиб қолди. Яқин-яқингача харидоргир бўлган буюмларнинг аксарияти сифат жиҳатдан ўта паст эканини маҳаллий тадбиркорларимиз исботлашди. Биз тайёрлаётган астарли резина этиклар, болаларбоп оёқ кийимлари, махсига мўлжалланган калишлар бозори чаққонлиги билан ажралиб турибди. Сабаби — сифати Россия маҳсулотларидан қолишмайди, нархи эса арзон.

Ҳа, ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотга нима етсин. Яна бир гап. Тадбиркорлар кўпайса, одамларга қайишади. Асқар Камолов ҳам Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан савоб ишларни бошлаб юборди. Маҳалла ободлиги, кам таъминланган оилалар аъзоларига ҳам мурувват ёрдами кўрсатиляпти. Тадбиркор томонидан ҳадя этилган юз жуфт оёқ кийими қанчалаб кишиларнинг кўнглини ёритди. Уларнинг дилидан кечган ва изҳор этилган қалб сўзлари тадбиркор учун энг яхши мукофотдир.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

Кино олами

«ТАҚДИР ҲАЗИЛИ ЁКИ ҚУШДАЙ ЕНГИЛ БЎЛИНГ» ЯНГИ ТАЛҚИНДА

Ҳаммамизга яхши таниш бўлган, ҳар сафар Янги йил байрами арафасида экранларда намойиш этиладиган «Тақдир ҳазили ёки қушдай енгил бўлинг» фильмининг давоми суратга олинмоқда.

30 йилдирки, бу ажойиб кинокомедиянинг томошабинлар эътиборидан тушмай келаётганида режиссёр Эльдар Рязановнинг хизмати беқиёс, албатта. Фильмнинг янги талқини 2008 йилда мухлислар эътиборига ҳавола этилиши режалаштирилган. Актёр Виктор Вержбицкийнинг айтишича, фильм Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида кинотасмага туширилмоқда.

Фильмдаги воқеалар ўзгармайди, унда кино мухлисларига яхши таниш Барбара Брильска, Андрей Мягков, Юрий Яковлевлар билан бирга ёш актёрлар ҳам иштирок этишган. Янги талқиндаги фильмнинг сценарийси Алексей Слаповский қаламига мансуб.

— Менга «Тақдир ҳазили ёки қушдай енгил бўлинг — 2» фильмнинг сценарийсини ёзишни таклиф қилишганда, тўғриси, бироз чўчидим. Сабаби, бу асар билан ишлаш учун уни тўла идрок эта билиш керак, — дейди Алексей Слаповский.

Муаллифнинг янги фильмдаги қаҳрамонлари, яъни Женя Лукашин ва Надянинг фарзандлари тўсатдан яна бир қаҳрамон Ипполитнинг фарзандлари билан учрашиб қолишади. Муаллиф янги ғоя устида кўп бош қотирди, айнан шу йўл маъқуллигига фильм продюссерларини ҳам ишонтира олди.

Янги "Тақдир ҳазили ёки қушдай енгил бўлинг — 2" фильмининг асосий қаҳрамони Галя ва доктор Лукашиннинг ўғли Женя бўлади. Йиллар ўтиб бу йигитча врач бўлиб етишади. Янги йил байрами арафасида Петербургда ўтаётган врачлар конференциясига боради. Одатдагидек катта анжумандан сўнг у дўстлари билан ресторанда ўтиради. Кейин самолётга ўтиради-ю, уйқуга кетади. Кўзини очса, самолёт заминга қўнган. У тайёрагоҳдан такси ушлаб, ўзига яхши таниш бўлган 3-қурувчилар кўчаси 25-уй 12-хонадонга келади. Бу ерда эса чиройли, гўзал бир қиз — Надежда яшарди. Бу соҳибжамол Надя ва Ипполитнинг қизлари эди...

Янги талқиндаги кинокомедия ҳозир "Ночной дозор" картинасининг режиссёри Тимур Бекмаев бошчилигида суратга олинмоқда.

Беҳзод ҚОДИРОВ.

Китобингизни ўқидим

Илмий-педагогик фаолиятим даврида кўплаб илмий китоблар, брошюралар ва мақолалар чоп этганман. Лекин иқтисодиёт назарияси фанидан дарслик ёзганим ўзига хос ярим асрлик педагогик фаолиятим даврида умумлашган меҳнатимнинг якунидай туюлди. Тўғрисини айтмоқ керак, дарсликнинг ёзилишида ва нашр этилишида институтимиз ректори Мирзаюсуф Рустамбоевнинг ҳиссаси катта бўлди. Китоб босмадан чиққандан сўнг барча дўстларимга дастхат ёзиб тақдим қилдим. Тошкент молия институти раҳбарлари, Муродхон ака Шарифхўжаев ва биродарим Ёрқин Абдуллаевлар ҳам хурсандчилигимга шерик бўлишди.

Касбдош биродарим Ёрқин Абдуллаев ҳам «Қизиқарли статистика» номли монографиясини чоп этган экан, дастхат ёзиб берди ва «Ўқиб чиқиб фикрингизни айтарсиз», — деди. Китобни ўқиб чиқдим, ҳақиқатдан ҳам қизиқарли экан. Ёрқин Абдуллаевнинг: «Статистика менга рақамларни тилга киритиш маҳоратини ўргатди», — деб ёзгани бежиз эмас. Дарҳақиқат, рақамлар тилга кириб жамиятдаги воқеликларни, кундалик турмушнинг ҳолатини англатиб туради. Рақамларсиз ҳаётимиз бўшлиқ бўлиб қолади.

ИНСОН КАФТИДАГИ СИР

Рақамлар кундалик ҳаётда, турмушда, бирор нарса харид қилиш, пул санаш, шаҳар транспортида юриш кабиларда ёрқин ёрдамчимиздир. Рақамларнинг заруриятини шундаки, улар хоҳишимизни, ўйимизни, ишимизни, мактаб ёки олий ўқув юртида, қайси курсда, ўқишимизнинг қай даражада эканлигини кўрсатиб туради.

«Қўйинг-чи, — деб ёзади муаллиф, — фазовий кемалар учишидан тортиб, ердаги қадамимиз ҳам рақамлар ва сонлар билан ўлчанади». Шундай қилиб, статистикада ўрганадиган муаммоларнинг асосий қисми сонлар асосида табиийроқ ва осонроқ ифодаланади. Бунга кундалик газета ва журналларнинг иқтисодиётга бағишланган сатрларини кўриш билан ишонч ҳосил қиламиз. Масалан, акцияларнинг қиймати, сотилган ва харид қилинган акциялар сони, чет эл валюталарининг қиймати, фоизи, маош ва шу каби жуда кўп бошқа тушунчаларни учратиб турасиз. Инсон рақамларни кўп ишлатса-да, улар қачон, қаердан ва қандай келиб чиққанлиги, пайдо бўлиши тарихига кўп-да эътибор бермайди. Профессор Ёрқин Абдуллаев таҳлили билан танишинг: қадимда инсонлар саноқни қўл саноғи, авлоднинг сони, кунлар, қурол-аслаҳаларнинг саноғини имо-ишоралар билан бир-бирларига англатар, кейинчалик улар сўзлар билан ифодаланган экан.

Хўш, рақамлар ёзуви қачон пайдо бўлган? Дастлабки рақамлар ёзувда бундан 3 минг йил муқаддам бобилликлар ва мисрликлар томонидан ишлатилгани ҳақида манбалар маълумот беради. Масалан, Араб рақамлари 0,1,2,3,4,5,6,7,8,9. Араб рақамининг дунёга тарқалишида бобокалонимиз Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг хизмати катта эканлиги ёритилган. Хоразмий ҳиндларда V асрда пайдо бўлган рақамларнинг жойланиш тизимини тартиблаштириш орқали «Арифметика» асарини араб тилида баён қилади. Хоразмийнинг «Риёзиёт»и орқали ҳинд рақамлари дастлаб араб мамлакатларига, кейинчалик бу асар арабчадан лотинчага таржима қилингач, X асрдан бошлаб Овропага тарқалгани ҳақида маълумотлар келтирилади. Араб тили орқали бу рақамлар Овропага, кейинчалик бутун дунёга тарқалгани учун «Араб рақамлари» номини олган. «Афсусланарли жойи шундаки, — деб ёзади Ёрқин Абдуллаев, — Муҳаммад Хоразмий даврида агар бизнинг мукаммал ўз ёзувимиз — ўзбек ёзуви бўлиб, буюк олимнинг «Арифметика» ва «Ал-жабр» асарлари ана шу ёзувда бойитилганда эди, бугунги кунда бу рақамлар, айтиш мумкинки, дунёга «ўзбек рақамлари» деб тарқалиши ҳам мумкин эди». Бироқ Ёрқин Абдуллаевнинг афсусланишига ҳожат йўқ. Дунёга маълумки, бобокалонимиз Муҳаммад Хоразмий туб ўзбек. Бу билан албатта фахрланамиз. Бундай тарихий кашфиётлар қилган улуғ сиймолар қаторига бобомиз Ибн Сино, Абу Райҳон Берунийларни қўшсак, юртимиз донишмандлар макони эканлигига амин бўламиз.

Араб рақамлари билан бирга статистикада Рим рақамларидан ҳам узоқ йиллар мобайнида фойдаланиб келинмоқда. Чунончи I-1, V-5, L-50, C-100, D-500, M-1000. Китобда юқоридаги рақамлар билан боғлиқ қизиқ маълумот келтирилади. «Хўш, кафтимизга ҳеч диққат билан разм солганмизми? — деб ёзади Ёрқин Абдуллаев. — Ҳар хил чизиқлардан бошқа ҳеч нарса йўқ, деб ўйларсиз? Лекин ўша чизиқлар қандай маъно англатишини ва ўзига хос сирларга эга эканлигини биласизми? Ўнг кафтингизга қарасангиз, қуйидаги белгини кўрасиз — IΛ. Бу рим рақамини, яъни 18 ни билдиради. Чап кафтингизга қарасангиз, шу рақамнинг тескариси, яъни 81 ни кўрасиз. Агар икки кафтингиздаги рақамларни қўшсангиз, 99 сони чиқади. 99 рақами Аллоҳнинг 99 та сифатини кўрсатади. 81 дан 18 ни айирсак, 63 чиқади. Пайғамбаримиз (с.а.в) шу ёшда бу дунёдан у дунёга рихлат қилган. Ҳеч эътибор берганмисиз, Аллоҳнинг ҳақлиги ҳар қадамда бизга мўъжизалар орқали намоён бўлаверади, 99 сифати икки кафтингизда, Аллоҳнинг ўзи эса қалбингизда».

Ёрқин Абдуллаев китобнинг мазмундор бўлишига алоҳида эътибор бериб, инсон тафаккури минг йиллар оша жамлаган ва абадул-абад яшаб келаётган тажрибасининг боқий жавоҳирлари, Қуръони Карим ҳамда Ҳадиси шариф намуналари, ҳикматлару мақоллардан ўринли фойдаланган. Муаллиф китобининг иккинчи қисмида тасдиқ, инкор, сифатлаш, ўхшатиш ва муболағага ётган ихчам тур маъно қарашлар талқин этилган. Муҳими шундаки, илмий-амалий фикрлар, қарашлар, хулосалар ўзига хос илмий-услубий таърифлар мақомида ўқувчини ўйлашга, ақлини чархлашга, теран мулоҳазага даъват қилади. Статистика асосида бўлаётган жараёнларга, ўзгаришларга назар ташлашга, изланишга ундайди, рағбатлантиради. Масалан, иккинчи қисмда энг кам учраган ва ўғил хоҳлайсизми ёки қиз каби саволларга жавоб берилади.

Миллатимизнинг одатлари бисёр эканлиги, Фаробий Аристотелнинг қайси китобига шарҳ ёзганлигидан хабарингиз борми, сайидлар киму хўжалар ким, муршидлар киму эшон ким, кимлар сўфий деб аталган, тасаввуф қандай таълимот, шариат нима, тариқатчи, маърифат, ҳақиқат нима, валий киму набий ким, оқ қилиш нимани англатади, нима учун Худо Одам Ато танасининг бошқа жойидан эмас, айнан қовурғасидан умр йўлдошини яратди, Пайғамбарлар ва азиз авлиёларнинг кимлигини, фитр садақаларининг нималигини биласизми, нима учун «беш кунлик дунё» дейилади ва ёш бўлиб юришингиз учун нималарга риоя қилишингиз кераклигини биласизми каби қизиқарли саволлар асосида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан теран, бой тажриба соҳиби бўлган биродарим Ёрқин Абдуллаевнинг узоқ йиллар давомида муттасил илм билан шуғулланиши, узоқ вақт давомида кузатишлари натижасида бу китоб яратилди.

Китобнинг III қисми ўта қизиқарли ёзилган бўлиб, «Тириклик фалсафаси»да жамланган ҳаётий-шеърий лавҳалар кенг ўқувчилар оммасига, аввало ҳар бир жамиятнинг суянчиғи бўлган оилага, оталар ва оилаларга, болалар ва қизларга, келинлар ва куёвларга ибрат мактабини ўташи ҳақидаги мулоҳазалар таҳлил этилган. Жумладан, буюк математик олим Пифагор рақамлар воситасида кишиларнинг фазилатларини ўзининг сеҳрли жадвалида акс эттирган. Пифагорнинг фикрига биноан инсондаги фазилат ва хислатлар унинг туғилган куни, ойи ва йили билан боғланган экан (китобни ўқисангиз Пифагор жадвали сирини яхши билиб оласиз).

Қизларнинг бўй-бастига қараб феъл-атвори белгиланар экан. Бўйи 2 метрдан зиёд қизлар кенг феъл ва кечиримлидирлар, содда, жўн, ишонувчан ва камтар бўладилар. 190-200 см. бўйга эга бўлган қизларнинг чеҳраси нурли бўлади. Шу сабабли арабларда бўйдор қизлар қуёшга қиёсланади. Чунки уларда кучли ва гўзал насл бериш хусусияти мавжуд, деб қаралган. Бўйи 180-190 см. бўлган қизлар хусн ва назокатда беназир саналадилар. Кўркам бўлишлари билан биргаликда бошқаларга кўп фойда келтирадилар ва буни асло миннат қилмайдилар. 170-180 см. бўйли қизларни халқимиз «бўйчан» дейдилар. «Бўйчан» қизлар довюрак, адолатпарвар, гўзал ва омадли бўладилар. Уларга ҳамма кийим бирдек ярашаверади. Ўзининг одоб ва хусн-назокати билан кўпларни ром эта оладилар. Бўйи 160-170 см.ли қизларни халқимиз салгина «бўйчанроқ» дейди. Уларнинг қалбида меҳр-оқибат кучли бўлади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бўйчан қизларнинг бойликка ружу қўядиганлари, инжиқлари 25-30 фоиздан ошмайди. 150-160 см. бўйга эга қизлар одатда «ўрта бўй» саналади. Улар ҳаётда кўп қийинчиликларни бошдан ўтказадилар. Шунга қарамай уларга кучли ирода берилган. Кўп меҳнат қилиб, шукур этиб яшайдилар. Рўзғор ишида ҳам моҳирдирлар. Фақат уларнинг феъл-атворини қўллаб-қувватлаб туришга тўғри келади. Бўйи 150 см.дан пастлари ҳам асло ўксимасинлар, тилларни ғийбатдан, дилларини эгриликдан тийиб, ниятни холис қилсалар, бахтлари албатта беназир бўлади. Ҳамма инсонларга Тангрининг карами кенг.

Китобнинг III қисмида яна рақамларнинг сўздаги ифодасига алоҳида эътибор берилади. Қуръондаги оятлар, ҳадислар, ҳикматли сўзлар, халқ мақоллари тўлқини ўқувчининг диққат-эътиборини бевосита ўзига тортади.

Муаллиф китобнинг 3-қисми тўртинчи бобини «Статистика — қайсар ҳақиқат» деб номлаган. Статистика — мамлакат ҳароратини ўлчовчи термометр. Статистика нафақат мамлакатнинг оддий нуфузи (имиджи), балки унинг давлатмандлигини тасдиқловчи кўзгу. Китобнинг 3-қисмини «Тириклик фалсафаси ёхуд ҳаётий шеърий лавҳалар» деб номлар экан муаллиф шундай деб ёзади: «Ҳовлиқмай, сабр-тоқат билан яшаган ва нафсини тия олган одамнинг умри ҳаловатда кечади». Профессор Ёрқин Абдуллаев кишини ҳаяжонлантирадиган, киши руҳиятини ларзага соладиган жумлалар тузибди. Умрини ҳаловатда ўтказаётган инсонлар учун тонглар кулибгина отади. Қуёш илиқ нурлари билан кўнглингизни нурафшон айламоқчи бўлади. Туннинг сокин кенгликларида руҳингиз, вужудингиз ором олади. Инсоннинг том маънодаги инсон бўлиб яшаши учун Яратган ўз карамини тўкис адо этгандек.

Хуллас, китоб мазмунининг теранлиги жиҳатидан ўқувчини ҳам маънан, ҳам ахлоқан, ҳам руҳан баркамол бўлишга рағбатлантиради.

Норбой БЕКНОЗОВ,
Тошкент давлат юридик институти профессори.

УЛАР ВАТАН ҲИМОЯСИ УЧУН ДОИМО ТАЙЁР

Ватанни ҳимоя қилиш қалби пок, ўзига ишонган ва юрагида ғайрати бор одамнинг қўлидан келади. Ватанни мардлар қўриқлайди. Сарҳадларимизни ана шундай ишончли, жасур, мард йигитлар қўриқлар экан, ҳаётимиз фаровондир.

Суратда: ёш аскарлар қасамёд қабул қилишмоқда

Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ажиб дунё

ТУШГА НОПИСАНД БЎЛМАНГ

Туш инсоннинг иккинчи умридир. Тушда бизга реал таассуротларимиз, орзу хаёлларимиз, эртакнамо саргузаштларга бой болалик онларимиз ҳамроҳ бўлади. Уларда келажак ҳаётимиз қандай кечишини фараз қиламиз. Барча даврларда таъбирчилар томонидан йиғилган тушномаларда халқ донишмандлигининг ажойиб неъматларига дуч келиш мумкин.

Қадимги юнонларнинг буюк шоири Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» достонларида тангрилар одамларга ўз амрларини етказмоқ ёхуд уларни хавф-хатардан огоҳ этмоқ учун тушда инсон қиёфасида намоён бўладилар. Маъбуда Афина уйқудаги Навсика ҳузурига унинг дугонаси қиёфасида келиб, Навсикага тонг палласида қирғоққа боришни буюради. Ҳалокатга учраган Одиссейнинг кемаси шу тариқа қутқариб қолинади.



Манбалар шаҳодатига кўра, туш ҳақидаги машҳур китоблардан бирини эрамизнинг II асрида Артемидор яратган. Шу мавзуда қалам тебратган кейинги муаллифларнинг кўпчилиги Артемидорга эргашганлар, унинг китобидан андоза олганлар. Артемидор асосий эътиборни туш рамзларини белгилашга қаратган. Унингча, тушда оёқ кўринса — қулни, бош кўринса отани англатади. Сувдаги дельфин — эзгулик, қуруқликдагиси эса ёмонлик аломати ҳисобланади.

Даврлар ўтиши билан туш рамзларининг изоҳи ҳам ўзгариб борган. Изоҳлар муайян тарихий давр турмушини белгиловчи омилларга асосланган.

Туш тарихи тушнинг рамзий ва кароматли икки тури мавжудлигидан далолат беради. Кароматли туш рамзий тушларга нисбатан кам кўринса-да, улар инсонларни ҳамиша ҳайратга солган. Уйқу тиббиёти мутахассислари бундай тушларнинг илмий изоҳи устида ҳамон бош қотириб келяптилар. Шундай ҳоллар мавжудки, одамлар ўнгда еча олмаган геометрик масалаларнинг, топишмоқларнинг бирдан-бир тўғри жавобини тушда топишган. Инсоният кашф қилган буюк ихтироларнинг бир қанчаси тушда яратилганлигини тасдиқловчи мисоллар туш тарихига оид манбаларда кўплаб учрайди. Франциялик машҳур файласуф, математик, физик ва физиолог Рене Декартнинг эътироф қилишича унинг дунёқараши батамом тушида шаклланган. Бу 1619 йилнинг 10 ноябрида юз берган. Шу куни Рене Декарт кароматли туш кўрган. Тушида унга келажакдаги илмий ишларининг асосий йўналишлари намоён бўлган. «Ҳақиқат Руҳи тушимда менга барча фанларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги муаммосини равшан англатди», деган эди Декарт. Файласуфнинг мана шу тушидан сўнг яратган асарлари кейинги даврдаги фан тараққиётига катта таъсир кўрсатгани маълум.

Машҳур рус самолётсози, конструктор Олег Антоновнинг номи кўпчиликка таниш. Кўп юк кўтаришга мўлжалланган «Антей» самолётининг қуйруқ қанотини қандай ихтиро қилгани хусусида О. Антонов бундай деган: «Қуйруқ қанотининг шакли ҳақида кўп ўйладим, талай ҳисобкитоблар қилдим, қанот шаклларини чиздим... Бироқ мувофиқ шаклини топа олмадим. Кунлардан бир куни тушимда самолёт қуйруғининг ажойиб шаклидаги қаноти кўз ўнгимда намоён бўлди. Мен ҳатто қўққисдан уйғониб кетдим. Тунги чироқни ёқиб, бир варақ қоғозга қанот чизмасини туширдим ва яна уйқуга чўмдим. Эрталаб чизмани қўлимга олиб, шундай оддий ечим ўнгимда бошимга келмаганидан жуда таажжубландим...»

XVIII асрда яшаган италиялик машҳур бастакор Жузеппе Тартини тушида унга скрипка чалиб бераётган шайтонни кўрган. Бастакор уйғониб, тушида эшитган куйни нотага туширган ва уни «Шайтон тароналари» деб номлаган. Замондошлари Тартинининг куйини бастакорнинг энг яхши асари деб баҳолаганлар.

Франция императори Наполеон Бонапартнинг ҳам Ватерлоо яқинидаги сўнгги жанг олдидан кароматли туш кўргани маълум. Императорга тушида жангларда эришган барча ғалабалари кўринган. Бу ғалабалар қўлларида шоншуҳрат рамзлари кўтариб келаётган гўзал аёллар қиёфасида намоён бўлган. Сўнгги аёл оёқлари кишанланган ва қонга беланган ҳолатда кўринган. Бу мағлубият аломати эди. Император тушида ўз қўшинларидан душман қўшинлари томон югуриб ўтган қора мушукни ҳам кўрган. Туш ўнгидан келган. Эртаси куни Наполеон аскарлари иттифоқчилар қўшинлари томонидан тор-мор қилинган.

1932 йилда рэкетчилар машҳур Америка учувчиси Чарлз Линдберг (Атлантика океани устидан самолётда учиб ўтган)нинг ўғилчасини ўғирлаб кетадилар. Бундан барча дарғазаб бўлган. Гарвард университетининг икки тадқиқотчиси матбуот оқали мамлакатдаги барча газетхонларга мурожаат қилиб, улардан ўз тушлари ҳақида хабар йўллашни сўрайдилар. Бундан мақсад тушларидан боланинг қай аҳволда эканлигини ва уни қаердан излашни билиш эди. Ёвузлар нобуд қилган бола жасадининг жарликдан топилгунига қадар АҚШ ва Канададан 1300 та хат келган. Қизиғи шундаки, ушбу хатлардан еттитасида бола бошига тушган кулфатларни тасдиқловчи маълумотлар мавжуд бўлган.

Буюк италян шоири Дантенинг «Илоҳий комедия» асарига тааллуқли яна бир ғаройиб ҳодиса мавжуд. Муаллиф вафотидан сўнг «Жаннат» поэмасининг сўнгги қисмидаги ўн учинчи шеър матни йўқлиги маълум бўлади. Шоирнинг дўст ва таниш-лари Данте поэмани тугаллашга улгурмагандир, деган ўйга борадилар. Шундан сўнг улар Дантенинг ўғиллари — Якобо ва Пиеродан отасининг асарини тугаллашни илтимос қиладилар. Якобо ва Пиеро ҳам шоир эдилар. Йиллар ўтди... Кунлардан бир куни Якобо туш кўради. Ёзувчи Бокаччонинг айтишича, Данте ўғлига шеър ёзишни тўхтатишни ва ёзилган тайёр ўн учинчи шеърни қаердан топиш мумкинлигини айтган. Якобо қоқ тун ярмида уйғониб отасининг қадрдон дўсти Пиер Жиардинонинг уйига йўл олади ва кўрган тушини унга айтиб беради.

Тушида буюк Данте ўғлини қўлидан ушлаб ўзи илгари яшаган хонага бошлаб боради ва деворлардан бири олдида тўхтаб: «Сиз узоқ вақт изланган нарса мана шу ерда сақланади»,— дейди..

Шу тунданоқ Якобо ва Жирардино Данте вафот этган уйга келишади. Якобо тушида кўрган хонани дарров танийди. Улар деворда осиғлиқ турган гобелен ортидаги токчадан бир даста чанг босган қоғоз тахламини топиб олишади. Данте қаламига мансуб ўн учинчи шеър матни мана шу қоғозлар ичида экан. Шундай қилиб, туш туфайли «Илоҳий комедия» мукаммаллик касб этади.

Тарихда туш жумбоқлари билан шуғулланган одамлар кўп бўлган. Уларнинг аксарияти чиқарган ягона хулоса шундай: тушларга нисбатан нописанд бўлмаслик керак. Башарти, туш бизни хавф-хатардан ёхуд бошланаётган касаллик аломатларидан огоҳ айласа, бунга эътибор қилмаслик ноўмақбулликдир. Туш танадаги аъзоларнинг мушкулотлари ва мусибатлари ҳақида ўз «тили»дан хабар беради.

Иззат АҲМЕДОВ тайёрлади.

БИЛАСИЗМИ?

Дунёдаги энг қиймат-баҳо китоб Леанардо да Винчининг "Лестер кодекси"дир. Билл Гейтс уни 24 миллион долларга сотиб олган.

* * *

"Консерватория" сўзи бундан тўрт юз йил аввал Италияда пайдо бўлган. Ўша даврда мехрибонлик уйлари консерватория деб аталарди. Бундай етимхонадаги болаларга кийим-кечак ва этик тикиш, деворларни бўяш, дурадгорликни сирларини ўргатиш билан бирга мусиқа дарслари ҳам ўтилган.

* * *

Александр Белл телефонни кашф этганида бутун дунё матбуоти бу ҳақда ёзганди. Аммо ҳеч ким унинг кашфиётини молиявий қўллаб-қувватламади. Белл ўзининг телеграф компанияси патентини машҳур адиб Марк Твенга сотишга уриниб кўрган. Аммо ёзувчи одамлар бир-бирини кўрмасдан гаплашишга рози бўлишмайди, деган фикр билан бу таклифни рад этган.

* * *

Қутичага солинган гугуртлар 1833 йил Италияда илк маротаба сотувга чиқарилган. Унинг нархи бир олтин дукат бўлган.

* * *

Гровер Кливенд Оқ уйда никоҳдан ўтган биринчи АҚШ президентидир.

* * *

Фигурали учиш спорти XIX аср ўрталаригача даволаш усулларидан бири бўлган. Америкалик Жексон Хейнцнинг саъй-ҳаракатлари билан у спорт турига айланиб кетган.

* * *

Ирландия оролининг жанубий қисмида жойлашган Лох-Лейин тоғ кўли ҳудудида энг узоқ давом этадиган акс-садони эшитиш мумкин. Агар Карронтиулл тоғи чўққисидан туриб ҳайқирсангиз, у юз мартагача акс-садо беради.

* * *

Энг узун чувалчангнинг номи линеус. У Европа қитъасининг Атлантика океани қирғоқларида яшайди.

* * *

Ҳайвонлар орасида денгиз чўчқасининг тақдири жуда қизиқ. У исмига номуносиб ҳолда кемирувчи қуёнлар билан қариндош экан. Бу жонивор XIV асрда Жанубий Америкадан Европага олиб келинган. Аввалига уни денгиз орти чўчқаси деб аташаган.

* * *

Кўк кит тилининг оғирлиги ўрта ҳисобда 4 тоннага етар экан. Бу катта бир фил билан баробар дегани.

* * *

Чаёнлар икки йилгача ҳеч нарса емай яшаши мумкин.

* * *

Бўрилар биз ўйлаганчалик йиртқич эмас. Улар оч қолган пайтларида қурбақа, кумурсқа ҳатто полиз экинлари билан ҳам қорнини тўйдираверади.

Бехзод ҚОДИРОВ тайёрлади.

Жаҳон ҳафта ичида

ХИТОЙ МАШИНА БОЗОРИ

Маълумотларга кўра, ўтган йилда Хитойда 7,22 миллион янги автомашина сотилган. Бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан анча кўпдир.

Сотилган автомобилларнинг 5,18 миллиони енгил автомашиналарга тўғри келади. Айтганча, Хитойда ўтган йил давомида 7,28 миллион дона автомашина ишлаб чиқарилган. Савдо бўйича биринчилик эса GM SAIC компанияларининг Хитойдаги ваколатхоналарига тегишли.

Айтишларича, Хитойда янги машиналар фойдаланилганидан кўра уч баробар тезроқ сотилар экан.

150 ГИГАБАЙТЛИК ДИСК

Ritek компанияси томонидан уч қатламли HD-DVD диски яратилди. Ушбу дискнинг умумий ҳажми 50 гигабайтни ташкил этади. Яқин орада компания хизматчилари ўн қатламли 150 гигабайтлик дискларни ишлаб чиқариш устидаги тадқиқотлар бошланишини таъкидлашган.

Янгилик CES — 2007 фестивалида намойиш этилган. Оддий HD-DVD нинг ҳар бир қатлами ўзида 15 гигабайтлик маълумотни сақлаш имкониятига эга. 51 гигабайтлик натижага эришиш учун эса оддий дискни такомиллаштиришга тўғри келди. Энди унинг ҳар бир қатламида 17 гигабайтлик ахборот тўплаш мумкин.

TDK компанияси эса HD-DVD форматига раҳобатчи саналган Bly-ray дискини ишлаб чиқаришди. Унинг умумий ҳажми 200 гигабайтни ташкил этади. Дискнинг ҳар бир қатламига 25 гигабайт ахборот сиғади.

БЕКХЭМНИНГ ҚАРОРИ

Англия терма жамоасининг собиқ сардори Дэвид Бекхэм ўз фаолиятини АҚШда давом эттирадиган бўлди. 31 ёшли футболчининг янги жамоаси "Лос Анжелес Гэлакси" деб номланади. Энди Бекхэм беш йил давомида "Гэлакси" сафида тўп тепади. Унинг ушбу жамоада ўйнаши клуб хўжайинларига нақд 200 миллион АҚШ долларига тушди.

— Ўтган ҳафтада "Реал" раҳбарияти менга яна икки йиллик шартнома имзолашни таклиф қилишди. Мен оилам, адвокатларим билан узоқ вақт маслаҳатлашдим ва натижада Европанинг бирор-бир клубида тўп сурмасликка қарор қилдим, — деган футболчининг ўзи.

Дэвид Бекхэм "Реал"га 2003 йилда келган эди. Аммо 2006 йилда клубга Фабио Капелло келиши билан ярим ҳимоячи заҳирадан муқим "ўрин" олди. Дарвоқе, у янги жамоаси таркибига 2007 йилнинг августида бориб қўшилади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Агар сизга ҳаёт кулиб боқишини хоҳласангиз — аввало унга яхши кайфиятингизни совға қилинг.

Б.Спиноза.

* * *

Кўриш осон, олдиндан кўра билиш қийин.

Б.Франклин.

* * *

Вақтида қоқилган одам йиқилмаслиги мумкин.

Т.Фуллер.

* * *

Ёшлик нуқтаи назаридан ҳаёт — туганмас келажак, қарилик нуқтаи назаридан — жуда қисқа ўтмиш.

А.Шопенгауэр.

* * *

Энг яхши ва тотли қасос бу кечиришдир.

П.Буаст.

* * *

Битта ойна бир қанча портретлардан афзал.

В.Мендаль.

* * *

Биз қисқа умримизни қандай яшашни билмаймиз, аммо кўп яшашни орзу қиламиз.

А.Франс.

* * *

Ўзидан жудаям норози бўлиш — ожизлик, ўзини жудаям юқори баҳолаш аҳмоқлик.

Б.Шоу.

* * *

Дўст — икки танада яшаётган битта жон.

Арасту.

* * *

Бахтни теварак-атрофдан излама, у сенинг ўзингдадир.

Пифагор.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 23.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2344
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5

Босишга топширилди 20.20